

**“URGANCH EKSKAVATOR” aksiyadorlik jamiyati**  
**юқори бошқарув органининг 25 - сонли қарори**

Тошкент шаҳри

2021 йил “30” Июнь

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун, шунингдек жамият уставига асосан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши, ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Урганч экскаватор” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳисобланади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2019 йил 25 апрелдаги 109-юр-сонли ишончномасига асосан “Урганч экскаватор” АЖ юқори бошқарув органи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар Отожанов Кахрамон Отажонович томонидан қабул қилинади. Шунга кўра ушбу қарор қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

1. Жамият бош директорининг 2020 йил фаолият яқунлари юзасидан ҳисоботини кўриб чиқиш, Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботларни тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2020 йиллик миллий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамиятнинг 2020 йиллик халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш.
4. Жамият тафтишчисининг 2020 йил фаолияти яқунлари юзасидан текширув хулосасини кўриб чиқиш.
5. Жамиятнинг 2020 йил яқунларига кўра корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулосасини кўриб чиқиш.
6. Кузатув кенгаши ҳисоботини кўриб чиқиш.
7. Жамият соф фойдасини тақсимлаш масаласини кўриб чиқиш.
8. Кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш масаласини кўриб чиқиш.
9. Жамият тафтишчисини тайинлаш масаласини кўриб чиқиш.
10. Миллий аудит стандартлари, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари, халқаро аудит стандарти ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун аудитор ташкилотларини тайинлаш тўғрисида.
11. Жамиятнинг ижроия органи аъзолари билан меҳнат шартномаларини узайтириш тўғрисида.
12. Кузатув кенгаши аъзолари, тафтишчи, корпоратив маслаҳатчи ва ижроия органи раҳбарини рағбатлантириш тўғрисида.

*Кун тартибидаги биринчи масала буйича*, жамият бош директори в.б. М.С. Бекязов сўзга чикиб, жамият 2020 йил давомида 4 963 220 минг сўмлик маҳсулот сотилган, бошқа манбалардан 804 661 минг сўмлик даромад олиниб, сотилган маҳсулот таннархи 2 952 619 минг сўмни ташкил қилади. Давр харажатлари 2 786 692 минг сўмни, шулардан: маъмурий харажатлар 1 369 952 минг сўмни, бошқа операцион харажатлар 1 416 740 минг сўмни ташкил қилади. Жамият ушбу даврда ўтган йилга нисбатан соф тушуми 2 191 707 минг сўмга камайган шунингдек, давр харажатларининг ошиб кетишига пандепия туфайли ишчи ходимларга муддатидан олдин меҳнат таътилларини бериш натижасида 199 024 002 сўмлик харжатлар, фаолият юритмаган давр учун 378 815 291 сўмлик солиқ харажатлари, жорий давр буйича 166 604 298 сўмлик киска муддатли банк кредитининг фоиз харажатлари, жамият устав фондини ошириш мақсадида “Xuzhou Construction Machinery Group Co.,Ltd” (ХХР) томонидан киритилган технологик ускуналар, асбоблар, замонавий териш линияларини давлат божхона кўмитаси божхона расмийлаштируви учун 652 673 109 сўмлик харажатлари сабаб бўлди. Жамият ушбу даврда умумий солиқ тўловчиси ҳисобланган. Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси буйича 28 570 минг сўмлик фойда олинган. Жамият 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунларига кўра 11 807 минг сўм соф фойда билан яқунланган (*ҳисобот, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботлар илова қилинади*).

Кун тартибидаги ушбу масала буйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамият бош директорининг 2020 йил фаолият яқунлари юзасидан ҳисоботи, Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботлари тасдиқлансин.

*Кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалалар буйича*, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Audit Union” аудиторлик ташкилоти аудитори Ў.Ф. Тажибаев сўзга чикиб, жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари юзасидан ижобий фикр билдирилган миллий аудит стандартлари ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ тақдим қилинган аудиторлик хулосасини ўқиб эшиттирди (*аудит хулосалари илова қилинади*). Унга кўра жамиятнинг 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача тузилган молиявий ҳисоботлари барча муҳимлик жиҳатлари буйича, жамиятнинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс этган ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келган, шунингдек халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ жамият фаолият натижалари ва пул оқимлари тўғри акс эттирилган.

Кун тартибидаги ушбу масалалар буйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

“Audit Union” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг миллий аудит стандартлари

ва халқаро аудит стандартлари асосидаги ташқи аудит хулосалари тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан,** жамият тафтишчиси Ф.А. Джуманиязов сўзга чиқиб, 2020 йил фаолияти якунлари юзасидан текширув хулосаси билан таништириб ўтди. *(жамият тафтишчисининг хулосаси илова қилинади).*

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамият тафтишчисининг 2020 йил фаолияти якунлари юзасидан текширув хулосаси тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан,** “Audit Union” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг раҳбари Б.А. Рахимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йил якунларига кўра корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулосасини ўқиб эшиттирди. Ташкилот жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида баҳолаш натижаларини маълум қилди. Унга кўра жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси Қониқарли деб топилди *(корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хулоса илова қилинади).*

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамиятнинг 2020 йил якунларига кўра корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги, “Audit Union” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан,** жамият кузатув кенгаши аъзоси Ф.Б. Одилов сўзга чиқиб, 2020 йил давомида кузатув кенгаши амалга оширган ишлар билан таништирди. Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириши ва 2020 йил давомида жамият фаолиятига ижобий хисса қўшувчи бир қанча қарорлар қабул қилганлигини айтиб ўтди. Шунга кўра 2020 йил давомида жамият кузатув кенгаши ўн саккизта йиғилиш ўтказди ва **қарорлар қабул қилди** *(кузатув кенгаши ҳисоботи илова қилинади).*

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил давомида амалга оширган мажлис баёнлари юзасидан ҳисоботи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан,** жамият кузатув кенгаши аъзоси К.О. Отажонов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2020 йил якунларига бағишланган умумий йиғилишида жамиятнинг соф фойдаси тақсимлаш 5 % захира фондига, 95 % жамият ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга йўналтириш тақлифи берилганлигини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан

**қарор қабул қилинди:**

Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича соф ~~фойдаси~~ 5% захира фондига, 95% жамият ишлаб чиқариш фаолиятини ~~таъминла~~ таъминлаштиришга йуналтирилсин.

**Кун тартибидаги саккинчи масала юзасидан,** жамият кузатув кенгаши ~~аъзоси~~ Ф.Б. Одилов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2020 йил яқунларига бағишланган умумий йиғилишида жамиятнинг 2021 йил фаолияти юзасидан ~~кузатув~~ кузатув кенгаши аъзолигига Омонов Хайитбой Ахмадалиевич, Абдуллаев Нусратулла Саъдуллаевич, Одилов Фаррух Баходирович ва Хўжаев Фаррух Мамасидиковичларнинг номзодлари кузатув кенгаши томонидан маъқулланганлигини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамиятнинг 2021 йил фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш мақсадида кузатув кенгаши аъзоси сифатида Омонов Хайитбой Ахмадалиевич, Абдуллаев Нусратулла Саъдуллаевич, Одилов Фаррух Баходирович ва Хўжаев Фаррух Мамасидиковичларлар тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан,** жамият кузатув кенгаши аъзоси Ф.Б. Одилов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2020 йил яқунларига бағишланган умумий йиғилишида жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун бир йил муддатга тафтишчи сифатида Назаров Тўлқин Алламуратович номзоди кузатув кенгаши томонидан маъқулланганлигини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият тафтишчиси сифати Назаров Тўлқин Алламуратович номзоди тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан,** жамият бош директори в.б. М.С. Беязов сўзга чиқиб, аудиторлик ташкилотлари томонидан жамиятга келиб тушган ва кузатув кенгашининг 2020 йил яқунларига бағишланган умумий йиғилишида маъқулланган тижорат тақлифларини ўқиб эшиттирди. Унга кўра:

Кўрсатиладиган хизмат	“Konsauditinform” агентлиги МЧЖ аудиторлик ташкилоти	“Iqtidor-audit-inform” МЧЖ аудиторлик ташкилоти
Миллий аудит стандартлари	29 500 000,00	
Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари		28 000 000,00

Халқаро аудит стандарти	28 000 000,00	
Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш	4 000 000,00	

Кузатув кенгаши томонидан ушбу тижорат таклифлари тасдиқлаш учун ягона акциядор кун тартибга киритилганлигини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамиятнинг 2021 йил фаолияти яқунлари юзасидан “Konsauditinform” агентлиги МЧЖ аудиторлик ташкилоти:

Миллий аудит стандартлари - 29 500 000,00 сўм;

Халқаро аудит стандарти - 28 000 000,00 сўм;

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш - 4 000 000,00 сўм.

“Iqtidor-audit-inform” МЧЖ аудиторлик ташкилоти Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари - 28 000 000,00 сўм тижорат таклифлари тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан,** жамият кузатув кенгаши аъзоси К.О. Отажонов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2020 йил яқунларига бағишланган умумий йиғилишида жамият ижроия органи аъзолари билан меҳнат шартномаларини ўрнатилган тартибда бир йил муддатга яъни кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар узайтириш маъқулланганлигини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

1. Жамият ижроия органи аъзолари билан меҳнат шартномаларини ўрнатилган тартибда бир йил муддатга яъни кейинги йиллик умумий йиғилишга қадар узайтирилсин.

2. Жамият ижроия органи аъзолари билан меҳнат шартномаларига ўзгартириш киритиш ваколати кузатув кенгаши аъзоси Ф.Б. Одиловга берилсин.

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан,** жамият кузатув кенгаши аъзоси У.Н. Тойчибоев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йил фаолияти яқунлари муваффақиятли амалга оширилганлигини, бу борада корпоратив бошқарув тизими самарали ташкил этилганлигини, олиб борилган сиёсат тўғри эканлигини, жамият кузатув кенгаши мажлислари ўтган йилларга нисбатан кўпроқ бўлсада натижаларга эришилганлигини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сонли “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ кузатув кенгаши аъзолари, шунингдек тафтишчи, корпоратив маслаҳатчи ва ижроия органи раҳбарига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 17,6 баравари миқдорида рағбатлантириш ажратиш масаласи кузатув кенгаши томонидан маъқулланганлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамият кузатув кенгаши аъзолари, тафтишчи, корпоратив маслахатчи ва ижроня органи рахбари меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 17,6 баравари миқдорида рағбатлантириш ажратилсин.

Жамият ягона акциядори  
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ  
вакили

 — К.О. Отожанов











